Мамлакатда етти йиллигимизнинг меҳнат симфонияси янграмоқда. Завод ва фабрикаларда, қурилиш ва транспортда, колхоз ва совхозларда — коммунизм учун кураш фронтининг ҳамма участкаларида қизғин меҳнат янада кенг қулоч ёйди. Ҳар куни республикамизнинг турли ерларидан меҳнат зафарларини ҳикоя қилувчи хушхабарлар келиб турибди. Булар 1963 йилимизни ҳам баракали якунлашимизнинг нишоналаридир.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози ўтган йили 715 гектар ернинг ҳар гектаридан 40,8 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олди. Ҳозир колхозда экин майдонларини шудгор қилиш тугалланай деб қолди. СУРАТДА: колхоз далаларида ерни шудгорлаш пайти.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 5 (12.358) | Якшанба, 6 январь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

МАКТАБ ИШИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Ёш авлодни соғлом, тетик, юксак коммунистик ахлоқ руҳида, она-Ватанга чексиз садоқат руҳида тарбиялаш идеология ишининг асосий масаласи килиб қўйилган бизнинг мамлакатимизда халқ маорифини тинмай ривожлантиришга мунтазам ғамхўрлик кўрсатиш жонажон партиямизнинг/ ҳамиша диққат марказида бўлиб келмоқда. Коммунистик партия мактабларда ўқув-тарбия ишларини янада яхшилаш мақсадида бу ишга умумхалқ эътиборини жалб этди, таълимни ижтимоий фойдали меҳнат билан кўшиб олиб боришнинг конкрет, окилона йўлларини белгилаб берди. Мактаб тўғрисидаги Қонун ана шу катта вазифани муваффакият билан амалга оширишда халқ маорифи ходимлари учун программ ҳужжат бўлмоқда.

Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва мамлакатда халқ маорифи системасини ривожлантириш тўғрисидаги Қонун амалга оширила бошлангандан буён ўтган қисқа вақт ичида мактабларда ўқув-тарбия ишлари сифати тубдан яхшиланди. Буни Ўзбекистон мактаблари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Республика халқ маорифи ходимлари КПСС XXII съезди тарихий қарорлари ва партия Программасида белгиланган улугвор кўрсатмаларга амал қилиб, ёш авлодни тарбиялашда яхши натижаларга эришдилар. Аввало қувонч билан шуни кайд килиш керакки, Ўзбекистонда саккиз йиллик таълимни жорий этиш муваффақиятли тугалланди. Ишлаб чиқариш таълими берадиган мактаблар сони ой сайин кўпаймоқда. Таълимнинг янги формаси — мактаб-интернатлар, куни узайтирилган мактаб ва группалар республика меҳнаткашларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистондаги деярли барча мактабларда машғулотларнинг бир сменага кўчирилгани синфдан ташқари ишларни яхшилаш, ўқувчилар билан амалий иш олиб бориш учун катта қулайликлар яратиб берди. Бугун республикадаги 5858 мактабда кўнгироқлар фақат эрталаб жаранглаётгани, 1 миллион 600 мингдан ортиқ бола бир сменада таълим олаётгани республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг халқ маорифини янада ривожлантириш соҳасида олиб бораётган ишларининг ажойиб самарасидир. Кўпгина мактабларнинг коллективлари шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, таълим-тарбия ишларини юксак савияда олиб бормоқдалар. Бироқ, республикадаги ҳамма мактабларда ҳам ёш авлодни ўқитиш иши намунали уюштирилган деб бўлмайди.

Мактабларда ўқув йилининг биринчи ярми тугалланди. Ярим йиллик якун хали ишимизда жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатди. Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш сифати баъзи мактабларда кўнгилдагидек олиб борилаётгани йўқ. Бунинг сабаби шундаки, айрим педагогика коллективлари ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришига эътиборни сусайтириб юборганлар. Натижада математика, физика, рус тили, ўзбек тили ва адабиёти синфари фанлардан ўқувчиларнинг ўзлаштириши бирканча мактаб ва синфларда айникса паст. Бошланғич синфларда болаларни ўқитиш ҳозирги юксак талаблар даражасидан ортда қолмоқда, ўқув программасини юзаки ўтиш ҳоллари содир бўлмоқда. Бошланғич мактабда пухта билим ололмаган ўқувчининг юқори синфларда фанларни тўла ўзлаштиролмаслиги эса табиий бир ҳолдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кеча матбуотимиз саҳифаларида босилган «Ўзбекистон ССРда халқ маорифини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида республикада халқ маорифи ишларини ташкил этишда жиддий камчиликлар борлиги кайд қилиниб, уни бартараф этишнинг конкрет тадбирлари белгилаб берилди.

Ўқувчиларни турмушга, меҳнатга лаёкатли килиб вояга етказиш совет ўқитувчисининг Ватан ва ҳалқ олдидаги шарафли бурчидир. **«Халқ ўқитувчиси,** — деган эди ўртоқ Н. С. Хрушчев ўқитувчиларнинг Бутунроссия съездида сўзлаган нуткида. — **халқ маданиятини юксалтириш учун кураш да партиянинг асосий таянчидир, янги кишини шонли революцион традицияларда, юксак коммунистик онглилик руҳида тарбиялашда партиянинг энг яқин ёрдамчисидир».**

Совет ўқитувчиси шонли партиямизнинг шу юксак ишончини виждон амридай оқлаши керак. Ножўя хатти-ҳаракатлари билан совет ўқитувчиси деган номга доғ туширадиган кишилар мактабларда бўлмаслиги лозим, чунки бола ўз ўқитувчисини ҳар томонлама мукаммал, етук киши деб билади ва унга эргашади. Бинобарин, ўқитувчи ҳам ташки қиёфаси билан, ҳам бой маънавий ички дунёси билан аҳолининг барча қатламлари орасида намуна бўлмоғи, ўзининг педагогик маҳоратини тинмай ошириб бориши лозим. Шундагина у ёшларни коммунизмнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялашдек шарафли бурчини тўла уддалай олади.

Совет мактаби — бу идеология муассасасидир. Унда олиб борилаётган тарбиявий ишлар олдиндан пухта ўйланиб тузилган қатъий план асосида, юксак савияда олиб борилиши керак. Бундай планли ишни намунали уюштиришда мактабдаги комсомол, пионер ташкилотларининг ташаббускорлигини ошириш, уларнинг фаолиятини жонлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Мактаб бошланғич партия, касаба союз ташкилотлари ўқув-тарбия ишларини олиб боришда бунга алоҳида эътибор беришлари лозим. Мактабда олиб бориладиган барча ўқув-тарбия ишлари юқори ўзлаштиришни таъминлашга каратилмоғи зарур. Бунда онла билан мактаб ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ғоят муҳимдир, зотан мактабда ва онлада бола олдига қўйиладиган талаб бир хил бўлиши керак.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларига биноан халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта қурилиши жойларда халқ маорифига ҳам партия раҳбарлигини янада кучайтириш имкониятини яратди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область партия комитетлари, партия комитетлари зиммасига пленумларда ва бюро мажлисларида ҳамда маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг мажлисларида халқ маорифи масалаларини муҳокама қилиш ва мактабларга доимий ёрдам кўрсатиб туриш вазифасини юклади. Коллектив аъзоларининг болаларига қандай таълим ва тарбия берилаётганлиги партия ва касаба союз ташкилотларининг йиғилишларида мунтазам муҳокама қилиб турилиши керак.

Мактаб иши, муносиб ўринбосарларимиз, бизнинг келажагимиз ёш авлодни коммунизм ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш иши — давлат аҳамиятига эга бўлган умумхалқ ишидир. Бунга ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим, бу унинг мамлакатимизда коммунизм қурилишига кўшган ҳиссаси бўлади.

ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ

Бухоро область, Вобкент районидаги «Октябрь» колхозида ўтган йили 980 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» териб олинди, ҳосилдорлик бир йилда гектар бошига 3 центнер ошди. Колхоз пахтакорлари бунга кузги-қишки ишларни ўз вақтида сифатли ўтказганликлари туфайли эришган эдилар.

Ҳозир колхоз пахтакорлари ана шу муваффакиятларни янада мустаҳкамлаш тадбирларини кўрмоқдалар. 600 гектардан ошиқ майдон 28-30 сантиметр чуқурликда шудгор қилинди. Бунда Эгам Пўлатов, Некбой Ҳайитов, Қурбон Одилов, Ражаб Ботиров, Ҳаким Ҳамидов, Истам Авезов каби механизаторлар ташаббус кўрсатиб ишладилар. Далага гўнг ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ҳам қизғин бораётир.

Р. РЎЗИЕВ.

АМАЛИЙ ЖАВОБ

Колхозимиз аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми чақирилиши тўғрисидаги хабарни зўр кувонч билан кутиб олдилар. Бунга амалий иш билан жавоб бериш учун курашлиб, дала ишлари янада қизғин тус олдирилди. Ҳозир далаларимизда 9 та ҳайдов трактори ишламоқда. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 400-500 килограммдан суперфосфат ва кўплаб маҳаллий ўғит солинди. Олимжон Мамажонов, Абдувоҳид Йўлдошев, Умарали Комилов, Нишонбой Исломов, Неъматжон Жалилов каби илғор тракторчилар ҳар куни 8-9 гектар ерни сифатли ҳайдамоқдалар.

Колхозда ариқ-зовурларни тозалаш, далага гўнг чиқариш ишлари қизғин давом этмоқда.

О. ҚУРБОНОВ.

Андижон область, Андижон районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

РАЙКОМДАН КОЛХОЗГА

ТУЙТЕПА. Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармасига қарашли Энгельс номли колхоз аъзолари илгари район партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган Пўлат Ҳакимовни ўз раислари қилиб сайладилар. У, районнинг йириклаштирилганлиги ва партия аппаратининг қайта қурилиши муносабати билан колхозда ишлаш истагини билдирди.

Пўлат Ҳакимов — дипломли агроном. У Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлаганидан кейин машина-трактор станциясида ва йирик пахтакор колхозлардан бирида бир неча йил агроном бўлиб ишлаган эди.

(ЎзТАГ).

СИФАТЛИ УРУҒ — МУЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

УРГАНЧ. Хоразм областидаги Гурлан ва Хонқа пахта тозалаш заводларининг коллективлари янги ҳосил пахтасининг чигитини тозалашга киришдилар.

Урганч, Хева, Ҳазорасп пахта заводлари ҳам урғучи тозалашга киришдилар. Урганч пахта заводининг коллективи бу йил мавсумда 3000 тонна уруғни янги химиявий препаратлар билан доривлаш учун махсус цех қурмоқда. Бу препаратлар ғўзанинг қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликлари билан зарарланишига йўл қўймайди.

Хоразмнинг пахта тозалаш саноати кўкламги экишга 18 минг тонниадан зиёд серҳосил нав уруғ тайёрлайди. Бу уруғнинг анча қисми Бухорога, Қорақалпоғистон АССРга ва бошқа қардош республикаларга жўнатилади. (ЎзТАГ).

Тошкент нур қўйнида

Тошкент нур қўйнида! Ҳа, бу даъвомизга далилимиз етарли. Минг тобланиб оқаётган Чирчиқ дарёсида қурилган ва республикамиз халқ хўжалигининг дармони бўлиб турган электростанциялар йигирма т а г а яқинлашиб қолди. Қирқ кокил Оҳангарон ГРЭСи ишлаб чиқараётган арзон энергия корхоналаримизнинг жонини киритяпти, хонадонларимизни ёритяпти. Унинг қуввати ҳадемай 600 минг киловаттга етказилади. Шу йил охирида дастлабки агрегати ишга тушадиган Тошкент ГРЭСини нур шинавандалари зўр виқор билан «Тошкент қуёши» дейишаётгани бежиз эмас. Унинг қуввати 1 миллион 200 минг киловатт бўлади.

Бугина эмас, Чирчиқ дарёсининг юқори қисмида яна бир улкан станция — Чарвоқ ГЭСи барпо этилади. Куни кеча қалбларни қувончга тўлдирувчи хушхабар тарқалди. Чарвоқ ГЭСи қурилиши учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Станция барпо этиладиган майдонда ер казиш ишлари бошланди. Бу ерга машина ва ускуналар ташиб келтирилмоқда.

ЧАРВОҚ ГРЭСИ ҚУРИЛИШИДА ДАСТЛАБКИ ИШЛАР БОШЛАНДИ

<>

Экономистларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Тошкент яқинида қурилиб бошлаган янги станциянинг халқ хўжалигимиз учун келтирадиган нафи катта. Унинг лойиҳада белгиланган қуввати 600 минг киловатт. Бу ҳозир ишлаб турган уч гидростанция — Фарҳод, Қайроқкум ва Учқўрғон ГЭСларининг қувватидан ҳам ортиқдир. Чарвоқ ГЭСида ҳосил қилинадиган энергия арзонга тушади. Ҳар бир киловатт-соат энергия олиш учун фақат 0,03 тийин сарфланади.

Узбекистондаги бошқа кўпгина электростанциялар каби Чарвоқ ГЭСи ҳам комплекс аҳамиятга эга. У халқ хўжалигимизга кўплаб электр энергияси беришдан ташқари, қишлоқ хўжалигимизнинг равнақига ҳам муносиб ҳисса қўшади. Станция яқинида қуриладиган сув омборига 1,5 миллиард кубометр сув тўпланади. Тўпланган сув Узбекистон территориясида 50 минг гектар ва Қозоғистоннинг жанубий қисмида 100 минг гектар ерни ўзлаштиришга имкон беради. Яна қанчадан қанча сугорилаётган ерлардан фойдаланишни яхшилайди.

Келажакда Чарвоқ денгизи пойтахт аҳолисининг кўнгилочар сайрғоҳига айлантирилади. Бу ерда Бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлган курорт ташкил этилади. Янги станция, янги сув омбори, янги курорт барпо этувчиларга меҳнатда муваффақиятлар тилаймиз.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

БИРМА ИТТИФОҚИ РЕВОЛЮЦИОН КЕНГАШИ ВА РЕВОЛЮЦИОН ҲУКУМАТИНИНГ РАИСИ ГЕНЕРАЛ НЕ ВИН ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

РАНГУН

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқи ва ҳукумати номидан Бирма халқини, ҳукуматини ва ҳурматли раис жанобларини, шахсан Сизни Бирма Иттифоқи мустақиллигининг 15 йиллиги билан самимий табриклайман.

Совет кишилари ана шу шонли кунда Бирманинг мустақил тараққиёт йўлида эришган муваффақиятларини зўр мамнуният билан қайд киладилар. Бирма ўтказиб келаётган ва тинч-тотув яшаш принципларига асосланган ташқи сиёсат, Бирманинг тинчлик учун ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш учун олиб бораётган кураши мамлакатингизни ҳақли суратда иззат-ҳурматга сазовор килди.

Биз, Бирма билан Совет Иттифоқи ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат халқларининг ва умумий тинчлик ҳамда тараққиёт ишининг манфаатлари йўлида йил сайин ривожланиб бораётганлигини ҳам хурсандчилик билан қайд киламиз.

Дўст Бирма халқининг ва ҳукуматининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлашда, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун кураш бундан буён ҳам муваффақиятларга эришувини чин кўнгилдан тилайман.

Н. ХРУШЧЕВ,

СССР Министрлар Советининг Раиси.

Москва, Кремль. 1963 йил 3 январь.

ГЕРМАНИЯ БИРЛАШГАН СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ VI СЪЕЗДИДА ҚАТНАШАДИГАН КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети Германия Бирлашган социалистик партиясининг 15 январда очиладиган VI съездига қуйидаги ўртоқлардан иборат КПСС делегациясини юборишга қарор қилди: КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Н. А. Муравьева, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, «Известия» газетасининг бош редактори А. И. Аджубей, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, «Правда» газетасининг бош редактори П. А. Сатюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси П. А. Абрасимов.

ЭНГ МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ЛЕНИНЧА МУНОСАБАТ

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ «СССРДА КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» ҲАҚИДАГИ ДОКЛАДЛАРИ ВА НУТҚЛАРИНИНГ УЧИНЧИ ТОМИ

Мамлакатимиз Коммунистик партия раҳбарлигида экономикани кучли суратда юксалтириш, халқ фаровонлигини ўстириш, фан ва маданиятни яшнатиш йўлидан комил ишонч билан бормоқда.

Қудратли саноат билан бир қаторда равнак топаётган, ҳар томонлама ривожланган ва сермаҳсул қишлоқ хўжалигини вужудга келтириш — коммунистик жамият қуришнинг зарур шартларидан биридир. Мамлакатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини жуда қисқа муддат ичида тўла қондириш, механиткашларнинг турмуш даражасини янада ошириш ҳақида КПСС Программасида илгари сурилган вазифани бусиз амалга ошириб бўлмайди.

1953 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги сохасида партиямиз, унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлик Марказий Комитети ишлаб чиққан ва амалга оширган катта-катта тадбирлар мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг етилган проблемаларини ҳал қилишга ленинча муносабатда бўлишнинг ажойиб намунасидир. Ана шу тадбирлар колхоз ва совхозлар экономикасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, коммунистик қурилишнинг бутун жараёнига буюк революцион ўзгартирувчи таъсир кўрсатди.

КПСС Марказий Комитетининг якинда бўлиб ўтган ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг халқ хўжалигига партия раҳбарлигини қайта қуриш тўғрисидаги доклади — саноатни, қурилишни ва кишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш сохасида партия, унинг Марказий Комитети амалга ошириб келаётган жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий ишда муҳим босқичдир.

Қишлоқда ташкилотчилик ишларини олиб боришда, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг кўпдан-кўп резервларини сафарбар килиб, бу резервлардан деҳқончилик ва чорвачиликни тез юксалтириш манфаатлари йўлида фойдаланишда партиямиз сўнгги йилларда зўр тажриба орттирди. Коммунистик қурилиш кенг авж олдирилган даврда йирик социалистик кишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишга оид энг муҳим амалий ва назарий проблемалар ана шу иш жараёнида ҳал қилинмоқда.

Партия XX, XXI, XXII съездлари, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладларида ва нутқларида қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кескин суратда юксалтиришга доир туб проблемалар ленинча ғоялар асосида ишлаб чиқилди, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги асосий йўналишлар чуқур илмий позицияларда туриб белгилаб берилди.

Илгари матбуотда хабар қилиб ўтилганидек, КПСС Марказий Комитети партия активининг, колхоз ва совхоз меҳнаткашлари, ишлаб чиқариш бошқармалари раҳбарлари ва мутахассисларининг истакларини эътиборга олиб, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалик масалалари ҳақида КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленумидан бошлаб қилган докладлари ва сўзлаган нутқларини нашр этиш ҳақида қарор қабул килди.

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти бундан илгари «СССРда коммунизм қурилиши ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш» китобининг биринчи ва иккинчи томларини чиқарган эди. Яқинда учинчи том босмадан чиқди. Бу томда 1958 йил январь ойидан бошлаб 1959 йил май ойигача бўлган даврга тааллуқли материаллар эълон қилинди.

Учинчи том Н. С. Хрушчевнинг Москва область кишлоқ хўжалиги ходимлари кенгашида 1958 йил 25 январда сўзлаган «Москва областининг колхоз ва совхозлари гўшт ва сут етиштиришда ўрнак кўрсатишлари керак» деган нутқи билан очилади. Томга 1958 йил 18 ва 19 февралида пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида сўзланган «Халқлар дўстлиги ва қардошлигининг ёркин намойиши» ва «Совет пахтачилигини янада юксалтирайлик» деган нутқлар киритилган. Н. С. Хрушчевнинг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш тўғрисида» бешинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясида киладиган докладининг тезислари ва ана шу сессияда 1958 йил 27 мартда қилган доклади, ВЛКСМ XIII съездида 1958 йил 18 апрелда сўзлаган «Коммунистик жамиятнинг актив ва онгли қурувчиларини тарбиялаб етиштирайлик» деган нутқи, КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1958 йил 17 июнда «Мажбурий тартибда маҳсулот етказиб беришни ва МТС иши учун натура ҳақи тўлашни бекор қилиш тўғрисида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннарҳларини янги тартиби, нархлари ва шартлари тўғрисида» қилган доклади, 1958 йил 17 октябрда Калиновка кишлоғининг колхозчилари билан ўтказган «Хўжаликни ишнинг кўзини билиб бошқарингиз, янги марраларга чиқингиз» деган суҳбати, «Сўнгги беш йил ичида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг якунлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1958 йил 15 декабрда қилган доклади, «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 — 1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тўғрисида» КПССнинг навбатдан ташқари XXI съездида 1959 йил 27 январда қилган докладидан — «Етти йиллик планни муваффақиятли бажарайлик» деган материаллар. Украина ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва Украина Компартияси Марказий Комитетининг республикага Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали мажлисида 1959 йил 11 майда сўзлаган «Коммунизм қурувчиларининг олдинги сафларида бўлиш буюк шарафдир» деган нутқи ва бошқа материаллар ҳам худди ана шу томда эълон қилинган.

Учинчи томни ташкил қилган материаллар қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи кучларни бутун чоралар билан ривожлантириш йўлида партия олиб борган курашнинг муҳим босқичини акс эттиради. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ана шу даврга тааллуқли докладлари ва нутқларида катта-катта проблемалар қўйилган. Бу проблемалар турмуш талабларидан келиб чиқади. ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим эҳтиёжларига мос бўлиб тушади, социалистик кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг чуқур процессларини ўз ичига олади.

(Охири иккинчи бетда).

АМУДАРЁ ҚУМИДАН СИЛИКАЛЬЦИТ

Амударё қумидан силикальцит тайёрлаш мумкинми? Қорақалпоғистондаги 166-трестнинг силикальцит заводида ўтказилган тажрибалар бу саволга ижобий жавоб берди.

Хом ашё ёқиб остида ётибди — завод территорияси атрофида Амударё қуми битмас-туганмасдир. Ҳозир корхона қум ва оҳакни узоқдан ташиб келтирмоқда. Аммо, янги технологияга ўтиш натижасида узоқ жойлардан қум ташиб келтиришгина эмас, балки оҳак келтиришга ҳам зарурат қолмайди, чунки тадқиқотлар Амударё қумининг таркибида зарур миқдорда оҳак борлиғини кўрсатди. Бу материалдан фойдаланиш учун заводда айланма печь ўрнатиш керак бўлади.

Қурилиш трестининг старший инженери П. Харченко силикальцит ишлаб чиқариш учун бу янги материални ўрганиб, қизиқарли ҳисоб-китоб қилди. Бундан маълум бўлдики, хом ашё ташиш учун қилинадиган харажатларни тугатиш туфайли жамғариладиган маблағлар ҳисобига завод майдончасида қўшимча суратда бир неча буғлаш камераси ўрнатилса, арзон бинокорлик блоклари ишлаб чиқаришни йилига 6 минг кубометрдан 50 минг кубометргача кўпайтириш мумкин бўлади.

Узбекистон ССР Қурилиш министрлигида УзТАГ мухбирига қуйидагиларни маълум қилдилар.

— Инженер П. Харченконинг Амударё қумидан силикальцит ишлаб чиқариш учун фойдаланиш ҳақидаги таклифи катта аҳамиятга эга. Шу хом ашё устида олиб борилаётган тажрибалар энди министрликнинг марказий илмий тадқиқот лабораториясига кўчирилади.

Суратда коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Уктам Ирисқуловни кўриб турибсиз. У «Ташсельмаш» заводи темирчилик-пресс цехидаги моҳир бригадирлардан. У бошлиқ коллектив ҳар куни пахта териш машиналари учун планга қўшимча 20-22 тадан деталь тайёрлаб бермоқда.

Р. Жабборов фотоси.

РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНАМИЗ

(КАЛИНИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Раислик қилувчи конференция адресига Янгийўл, Ўрта Чирчиқ ва Бўка ишлаб чиқариш бошқармалари партия конференцияларидан партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга ошириш истаги билдирилган табрик телеграммаларини ўқиб берганида залда гулдурос қарсаклар бошланиб кетди.

Маълумки, партия Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми партия органларини ққоридан то пастгача ишлаб чиқариш принциплари асосида қайта қуриш юзасидан муҳим қарор қабул қилди. Шунга кўра собиқ Калинин ва Оржоникидзе районлари ҳам йириклаштирилиб, унинг ўрнида битта Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси тузилди. Ҳар икки районнинг қўшилиши оқилона тадбир бўлиб, уларнинг территориясида жойлашган хўжаликлар экономикасини бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда қулайлик туғдиради. Йириклаштирилган район пойтахт аҳолисини сабзавот, картошка ва полиз экинлари, гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминловчи йирик база бўлиб қолади.

Бошқармада 4450 коммунистни бирлаштирувчи 148 бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар 21 колхоз, 11 совхоз ва кўпгина қишлоқ хўжалик илмий текшириш институтларида иш олиб борадилар. Бошқармага қарашли кўп хўжаликлар пахта, полиз экинлари, ғалла, мева, гўшт ва тухум сотиш юзасидан 1962 йил планларини муваффақиятли адо этдилар.

Бироқ конференцияда ана шу ютуқлар билан бирга ҳали фойдаланилмаётган бой имкониятлар ва ички резервлар тўла ишга солинмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари ҳамда бошқарма партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад килган Тошкент область партия комитетининг Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги ташкилот бюроси раиси Нурмат Киргизбоев ва музокараларда сўзга чиккан нотиқлар хўжаликлардаги бутун ишларни атрофлича тахлил килдилар.

Етти йилликнинг тўртинчи йили бошқарма бўйича дуруст якунланган бўлса-да, кўпгина хўжаликлар умумий ишга муносиб ҳисса кўшмадилар. «Қизил Ўзбекистон», Охунбобоев номли, «Ленинград», Ленин номли колхозлар кишлок хўжалик экинларининг барча турларидан мўл ҳосил етиштирганлари ҳолда «Партия XXI съезди» ва «Тошкент» совхозлари ва баъзи колхозлар картошка ва сабзавот экинларидан фақат уруғликнинг ўзинигина ололдилар.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилди.

Айникса «Партия XXI съезди», «Тошкент» совхозлари ва Киров номли, «Коммунизм» колхозлари маҳсулот етиштиришда орқада қолдилар.

— Ишга моҳирлик билан раҳбарлик килмаслик, механизациядан унумли фойдаланмаслик камчиликларнинг бош сабабидир, — деди «Партия XXI съезди» совхозининг бригада бошлиғи Насриддин Муҳиддинов. — Бизнинг бригадамиз 103 гектар майдонда 1365 тонна ҳосил етиштирди. Бундай ютуққа механизациядан унумли фойдаланишимиз туфайли эришдик. Аммо совхознинг бошқа участкаларида механизацияга етарли эътибор берилмади.

Унинг фикрини полиз экинлари ва картошка етиштириш билан шуғулланувчи тажриба хўжалиги партия ташкилотининг секретари С. Зокиров ҳам қувватлади. Аммо, ўртоқ Зокиров 1962 йил плани тўла бажарилмаганлигинда тан олгани билан, камчиликларни қандай қилиб тугатиш тадбирлари кўрилаётгани, 1963 йилда конкрет нима ишлар қилиниши лозимлигини айтмади.

Ўртоқ Зокиров «эсдан чиқариб қўйган» гапларни конференция қатнашчилари рўй-рост айтиб беришди. Бу хўжаликда юздан ортиқ олим ва мутахассис шуғулланади. Бу катта куч фан билан ишлаб чиқариш алоқаси яхши йўлга қўйилганида қандай натижаларга эришиш мумкинлигини амалий ишда исботлаши лозим эди. Бироқ бу хўжаликнинг кўрсаткичлари бошқармадаги ўртача ҳосилли колхоз ва совхозлардагидан ҳам анча паст бўлди. Тажриба хўжалигида мавжуд 25 бригададан 23 таси, 4 бўлимдан учтаси ишлаб чиқариш планларини бажармади. Конференцияда тажриба хўжалигининг ана шу камчиликлари кўрсатилиб, олимликни пеш килиб, амалда ҳеч нима бермаётган кишилар фаолияти каттиқ танқид қилинди.

Охунбобоев номли колхоз раиси С. Рахматуллаев, Ленин номли колхоз раиси Т. Нормуҳамедов, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг донгдор бригада бошлиғи А. Эгамназаров, «Красный водопад» чорвачилик илмий текшириш базасининг сут соғувчиси А. Чудная, Собир Раҳимов номли колхоз раиси М. Маъмуров ва бошқа ўртоқлар хўжаликка раҳбарликнинг қайта қурилиши олга қараб боришнинг янги истиқболларини очиб бериши тўғрисида гапирдилар.

Конференция ишида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилувчи область ижроия комитетининг раиси Э. Т. Шайхов иштирок этди ва бошқарма хўжаликлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини яқдиллик билан маъқуллаб, қишлоқ коммунистлари олдида турган шу кунларнинг муҳим вазифалари белгиланган қарор қабул қилдилар, ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг составини ҳамда область қишлоқ хўжалик партия ташкилоти конференциясига делегатлар сайладилар.

Калинин колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум Н. Киргизбоевни бошқарма партия комитетининг секретари, И. Я. Деревянкони ташкилий ишлар бўйича, Ш. Ганиевани идеология ишлари бўйича секретарь ўринбосарлари этиб сайлади.

А. НАБИҲУЖАЕВ.
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири.

ЭНГ МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ЛЕНИНЧА МУНОСАБАТ

(Боши биринчи бетда)

Н. С. Хрущевнинг машина-трактор станцияларини қайта ташкил этиш ва колхоз тузумини янада ривожлантириш масаласига доир сўзлари нутқлари эзир принципиал аҳамиятга эгадир. Қишлокни социалистик тарзда қайта қуриш учун курашда МТС-лар жуда катта роль ўйнади. Машина-трактор станцияларининг барпо килиниши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ғоят чуқур техника революциясини бошлаб берди. Машина-трактор станцияларининг ёрдами билан социализм учун курашда ишчи ва деҳқонларнинг кудратли иттифоқи мустаҳкамланди ва ривожланди.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил) Пленумидан кейин мамлакатимизда колхоз тузумининг ривожланиши ва мустаҳкамланишида янги босқич бошланди. Партия қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш-техника базасини кучайтириш, колхозлар, МТСлар ва совхозларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, колхозларда бошқарувни янада демократлаштириш соҳасида бир қанча тадбирларни амалга оширди. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан колхозлар ва колхозчиларни моддий манфаатдор қилиш ленинча принципини амалда изчиллик билан турмушга ошириш-га катта эътибор берилди. Ана шу тадбирлар натижасида колхозларнинг аксарияти жуда кўп мутахассис кадрларга эга бўлган йирик ва иктисодий жиҳатдан бақувват хўжаликларга айланди; колхозларнинг даромадлари кескин кўпайиб, колхозчиларнинг моддий фаровонлиги ошди. Халқ билан чамбарчас боғланган Коммунистик партия турмушни яхши билганлиги учун ана шу ўзгаришларни хисобга олмасдан тура олмас эди. Эндиликда колхозлар кўп миқдорда капитал маблағлар сарфлашга, техника сотиб олишга, ана шу техникадан тўғри фойдаланишга кодир бўлиб қолган эдилар. Колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш формаларига тузатишлар киритиш масаласи етилиб колди. Бир ернинг ўзида колхоз ва МТСдан иборат икки хўжайиннинг мавжуд бўлиши — техникадан фойдаланишда эгасизлик ва масъулиятсизлик келтириб чиқарарди, меҳнат унумдорлигини оширишга халақит берарди, махсулотнинг қимматлашиб кетишига сабаб бўларди. Колхозларнинг ҳакиқий эҳтиёжлари билан уларга МТС орқали хизмат кўрсатишнинг формаси ўртасидаги номувофиклиги тугатиш лозим эди.

«Агарда биз янги вазиятни назарга олмай, умрини аллақачонлар яшаб бўлган эски формаларга ёпишиб олишда давом эта берадиган бўлсак, — деди Н. С. Хрущев бешинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясида 1958 йил 27 мартда қилган докладида, — жиддий хатога йўл қўйган бўлур эдик. Буни ҳар бир киши тушуниб олмоғи керак... У ёки бу формаларни абадийлаштириб қўйишга каратилган ҳар қандай урининг ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига эртами-кеч тўсқинлик кила бошлайди.

Ҳозир шундай бир пайт келдики, давлат билан колхозлар ўртасидаги муносабатларда МТСлар сингари воситачи звеносиз иш кўриш имконияти туғилди. Бунинг маъноси шуки, биз колхоз тузумини ривожлантиришнинг янги боскичида турибмиз».

Н. С. Хрущев ташаббуси билан Марказий Комитет МТСларни қайта ташкил этиш ва техникани колхозларга сотиш масаласини дадил илгари сурди ва умумхалқ муҳокамасига қўйди.

Партия, Марказий Комитет халқнинг коллектив ақл-заковатига таяниб, мураккаб вазифани ҳал қилишнинг энг тўғри йўлини топдилар. Бу — ҳақиқатан ҳам дадиллик билан топилган йўл эди. Гап шундаки, Сталининг шахсига сиғиниш даврида колхозларга нисбатан хато, зарарли йўл-йўриқлар амалга ошириб келинди. Сталин турмушни яхши билмаганлиги учун колхозларга ишонмас, уларнинг социалистик моҳиятига, социалистик хўжалик формаси сифатидаги имкониятларига етарли баҳо бера олмас эди. У, колхозларга тракторларни, комбайнларни ва бошка техникани сотиш тўғрисидаги фикрни, ҳаёлига ҳам келтирмас эди. Ўша вақтда колхозларнинг ҳатто давлат энергетика системаларининг электр энергиясидан фойдаланишларига ижозат берилмас эди. Сталин колхозлар асосий ишлаб чиқариш воситаларини тасарруф қила олмайдилар ва килмасликлари керак, деб ҳисоблар эди. Партия, унинг ленинчи Марказий Комитети колхоз қурилиши, иктисодий сиёсат соҳасида Сталининг ана шу нотўғри йўл-йўриқларини қатъият билан улоқтириб ташладилар.

Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенгайтириш манфаатларини кўзлаб, МТСларни қайта ташкил этиш ва техникани колхозларга сотиш тўғрисида бутун халқ якдиллик билан маъқуллаган қарор қабул килинди. МТСларнинг қайта ташкил этилганлиги ва техника колхозларга сотилганлиги — ленинча коллективлаштириш сиёсати галаба қозонгандан сўнг социалистик кишлок хўжалиги қурилишида юз берган энг йирик, энг зўр воқеадир. МТСларнинг қайта ташкил этилиб, техника колхозларга сотилганлиги, ер ва қишлоқ хўжалик техникаси бир қўлда марказлаштирилганлиги меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги, жуда кучли омил бўлди.

Коммунистик партия ана шу чуқур революцион тадбирни нақадар донишмандлик билан ўз вақтида амалга ошириганлигини турмуш исботлади. МТСларнинг, қайта ташкил этилиб, техника колхозларга сотилганлиги колхозчилар оммасининг бутун халқ билан биргаликда коммунистик қурилишда актив иштирок этиши учун кенг майдон очиб берди.

Н. С. Хрущев коммунизм учун курашда партия орттирган тажрибани чуқур анализ қилиб, муҳим назарий проблеманы, шу жумладан социалистик мулкнинг икки формаси ҳакидаги масалани мукаммал ишлаб чиқди.

В. И. Ленин кооператив планини тузар экан, мулкнинг кооператив формасининг ривожланиш диалектикасини очиб берган эди. Шахсга сиғиниш даврида баъзи бир экономистлар ва практикларнинг колхоз мулкини мустаҳкамлаш гўё умумхалқ мулкини заифлаштириб қўйиши ёки маълум даражада унинг аҳамиятини пасайтириб қўйиши мумкин, деган гумонлари асоссиз эканлигини Н. С. Хрущев ленинча ғояларга таяниб яққол кўрсатиб берди. Гарчи, кооператив мулки билан умумхалқ мулки ўртасида муайян тафовутлар мавжуд бўлса-да, бу тафовутлар ягона социалистик мулкнинг икки формасига хос бўлган тафовутлардир. Турмушдан бутунлай орқада колиб кетган кишиларгина колхоз мулкининг ривожланиши коммунизм қурилиши манфаатларига зид бўлиб тушади, жамиятимиз тараққиётига тўғоноқ бўлади, деб ўйлашлари мумкин. Колхоз формасининг замирида ётган имкониятлар хали жуда катта ва бу имкониятлардан ҳанузгача тўлиқ фойдаланилгани йўқ. Шу сабабли колхоз мулкини бутун чоралар билан ривожлантириб, бу билан уни аста-секин умумхалқ мулки даражасига кўтаришга ёрдам бермоқ керак. Техникани колхозларга сотиш тўғрисида партия кўрган тадбирлар ҳам ана шу мақсадга хизмат килди.

Ишлаб чиқаришнинг коммунистик қурилиш вазифаларига энг мос бўлиб тушадиган формаси қайси — колхоз формасими, ёки совхоз формасими — деган савол баъзи бир экономистларни, қишлоқ хўжалик практиклари ва мутахассисларини тўлқинлантирган эди. Ўртоқ Н. С. Хрущев кўрсатиб ўтдики, колхозларни совхозларга, социалистик қишлоқ хўжалигининг бир формасини унинг иккинчи формасига қарама-қарши қўйиш ярамайди. Социалистик қишлоқ хўжалиги ҳар иккала формасининг жуда бой имкониятларидан мамлакатда деҳқончилик ва чорвачилик мўл-кўллиги яратиш соҳасида партия қўйган вазифани тез бажариш учун тўлароқ фойдаланиб, колхоз ва совхозларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак. Колхоз формаси қишлоқдаги ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражасига ва эҳтиёжларига тўла мос бўлиб тушмоқда, деҳқонларнинг шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатлар, умумхалқ манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб бормоқда; колхоз формаси ўз ташкилий характери, ўзининг демократик асослари жиҳатидан меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришини таъминлаётган, колхозчиларни коммунизм руҳида тарбиялаб келмоқда. Н. С. Хрущев айни маҳалда таъкидладики, колхозлар билан совхозлар ўртасига ўз-ўзидан тенглик аломати қўйиш ярамайди. Совхозлар — ишлаб чиқаришни умумлаштириш ва ташкил этиш даражаси юқорироқ бўлган давлат корхоналаридир, улар ишлаб чиқаришнинг мукаммалроқ методларини амалга оширишда, деҳқончилик маданиятини юксалтиришда, меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда колхозларга ибрат кўрсатмоқлари керак.

Қишлоқдаги социалистик ишлаб чиқаришнинг икки формасини — колхоз ва совхозларни такомиллаштириш проблемаси ўртоқ Н. С. Хрущевнинг партия XXI ва XXII съездларида қилган докладларида, КПСС нинг янги Программасида янада ривожлантирилди. «Колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва уларда ижтимоий муносабатларнинг такомиллашуви жараёнида, — дейилади партия Программасида, — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг коммунистик формаларига ўтиш имконини очиб берувчи юқорироқ даражага кўтарилади...».

«Мажбурий тартибда маҳсулот етказиб беришни, МТС иши учун натура ҳақи тўлашни бекор қилиш тўғрисида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашнинг янги тартиби, нархлари ва шартлари тўғрисида» Н. С. Хрущев КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1958 йил 17 июнда қилган доклад «СССРда коммунизм қурилиши ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш» китобининг учинчи томига киритилган. Бу доклад — мамлакат экономикасини ривожлантириш проблемаларига ижодий муносабатда бўлишнинг ёрқин намунасидир. Саноат билан қишлоқ хўжалигининг, давлат билан колхозлар, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни такомиллаштиришга доир етилган масалалар ана шу докладда ёритиб берилган. Худди мана шу проблемаларнинг ўзи Н. С. Хрущевнинг КПСС Марказий Комитетининг 1958 йилдаги декабрь Пленумида қилган докладида янада ривожлантирилди.

Товар-пул муомалаларидан тўла фойдаланиш асосидагина коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш мумкин, бу муомалаларнинг роли камситилмаслиги, сунъий равишда торайтириб юборилмаслиги керак. Товар муомалаларини кенг авж олдириш коммунизм қурилиши вазифаларига зид бўлмайди. Моддий манфаатдорлик принципини тўғри амалга оширган тақдирдагина, давлат билан колхозлар ўртасида колхозларда меҳнат унумдорлигини оширишга стимул бўлувчи иқтисодий муносабатлар негизидагина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини яратиш мумкин. Колхозларнинг ўз маҳсулотларини давлатга бемалол сотиш принципи ана шундай стимуллар яратиб беради.

Марксизм-ленинизм таълим берадики, ишлаб чиқариш процессида кишиларнинг муносабатлари жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига мувофиқ бўлиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳолатига қараб бу муносабатларнинг формалари шаклини ўзгартириб туриши лозим. Бизнинг партиямиз марксча-ленинча фаннинг ана шу энг муҳим қонидасига амал қилиб, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар формасини ҳамиша ўз вақтида ўзгартириб ва такомиллаштириб келди.

Ўртоқ Н. С. Хрущев колхоз тузуми тараққиётининг перспективаларини, унинг коммунистик қурилишдаги ролини, давлатнинг колхозлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларидаги янги босқичи ва бошқа муҳим масалаларни назарий жиҳатдан чуқур асослаб бериб, марксча-ленинча назарияга жиддий ҳисса қўшди.

Н. С. Хрущевнинг областлар, ўлка ва республикалар, колхоз ва совхозлардаги қишлоқ хўжалик ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқлари китобда катта ўрин эгаллайди.

Партия шахсга сиғиниш туғдирган энг зарарли иллатлардан бирига — тарихий ижодкорликда халқ оммасининг роли камситилишига барҳам берди. Халқ яратгач ҳамма илғор, энг яхши нарсаларни чуқур ўрганиш ва турмушга татбиқ қилиш, халқ тажрибасига ҳамиша диққат-эътибор билан қараш, меҳнат илғорларининг ташлифларини, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш партия сиёсатининг энг муҳим принципидир. Никита Сергеевич Хрущев қишлоқ меҳнаткашлари билан чамбарчас алоқа боғлаб турибди. 1958 йил январь ойидан 1959 йил май ойигача бўлган давр ичидагина Н. С. Хрущев Курск, Смоленск, Ростов, Рязань, Тула областларига; Ставрополь ва Краснодар ўлкаларига, Белоруссия ва Украинага бориб келди. Ўртоқ Хрущев колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволи билан батафсил танишар, ғаллакорлар ва чорвадорлар, механизаторлар ва мутахассислар билан суҳбатлашар экан, янги резервларни кўра билишда, ишлаб чиқаришни тезроқ кўксалтириш йўлларини топишда қишлоқ меҳнаткашларига кўмаклашди. Шу резервлардан энг муҳимлари — ер ва техникадан рационал фойдаланиш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш, кузги экинлар, маккажўхори, қанд лавлаги, дуккакли экинлар сингари иқтисодий жиҳатдан энг манфаатли, серҳосил экинларни етиштиришдир. Ҳамма далалар ва фермаларда фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини қўлланиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларида юз берган буюк социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар моҳияти Н. С. Хрущевнинг учинчи томга кирган бир қанча докладлар ва нутқларида очиб берилади.

Н. С. Хрущевнинг «Сўнгги беш йил ичида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш якунлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифалари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1958 йил) Пленумида қилган доклади муҳим аҳамиятга эгадир. Бу — колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқлари гуркираб ривожланган, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ошган йиллар эди. Улар партия қишлоқ хўжалиги соҳасида кўрган революцион тадбирларга қарши чиқан антипартиявий группадаги сиёсий банкротларнинг «далиллари» асоссизлигини яна бир карра яққол исботлади.

Н. С. Хрущевнинг докладлари ва нутқларида коммунистик қурилишга, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир туб проблемалар кўтариб чиқилган. Бу докладлар ва нутқлар турмушни чуқур билишга, сиёсий ва иқтисодий ҳодисаларни ленинча анализ қилишга асосланади, етилган масалаларни ҳал қилишга ижодий муносабатда бўлишга ўргатади, КПСС XXII съезди белгилаган вазифаларни тезроқ амалга оширишда партия ва халққа ёрдам беради. Ҳар бир совет киши Н. С. Хрущевнинг «СССРда коммунизм қурилиши ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш» ҳақидаги асарлари билан танишар экан, халқ бахт-саодати йўлида шу қадар кўп ишларни қилаётган, халқни коммунизм чўққилари сари муваффақият билан бошлаб бераётган ўз ленинчи партияси учун ватанпарварлик билан ғоят фахрланиш туйғусига тўлиб-тошади.

(«ПРАВДА», 5 январь).

Муросасизлар СИГНАЛИ

НОТЎҒРИ ПЛАНЛАШТИРИШ ОҚИБАТИДА

Комбинатимиз—электр энергиясини кўп истеъмол қиладиган корхоналардан бири. Аммо республика Давлат план комиссияси комбинат ишини планлаштираётган вақтда корхонамиз электр энергияси билан қандай таъминланганлигини назарда тутмай, йиллик ва квартал топшириқлари белгилайди. 1963 йил плани ҳам корхонамизнинг электр энергияси билан таъминланиши тўла ҳисобга олинмай тузилган.

Комбинатимиз табиий газ асосида ишлашга кўчгач, аммиак ишлаб чиқариш анча кўпайди. Аммо тайёрланаётган аммиакнинг ҳамасини минерал ўғитга айлантириш учун комбинатимизда қувватлар етарли эмас. Минерал ўғитлар цехини реконструкция килиш пайтида унинг қувватини ошириш мўлжалланмаган. Ортиқча аммиакни қайта ишловчи карбомид цехи эса 1964 йилда ишга тушади. Комбинат ишлаб чиқараётган аммиакнинг бир қисмини республикамизнинг бошқа химия корхоналарига юбориб, ўша ерда қайта ишлаш маъқул бўлади. Аммо республика Госплани масалани бошқача ҳал этди. У Чирчиқ химия комбинати учун ишлаб чиқариш планини 1962 йилнинг биринчи ярмида бир оз камроқ белгилади. Йиллик планни бажаришнинг асосий оғирлиги эса бунинг натижасида 1962 йилнинг иккинчи ярмига тушди. Госплан ортиқча аммиакни Фарғона азот ўғитлари заводига йилнинг иккинчи ярмида юборишни кўзда тутган бўлса керак. Аммо, Фарғона азот ўғитлари заводи 1962 йилнинг сентябрь ойида ишга тушди. Оқибатда комбинат учун йилнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқариш плани ошириб белгиланганлиги туфайли август, сентябрь ойи планлари бажарилмай қолди. Фарғона азот ўғитлари заводи эса бир меъёрда ишлаётгани йўқ.

Яна бир мисол. Республика Давлат план комиссияси ортиқча аммиакдан йилига 40 минг тоннагача аммиак суви ишлаб чиқариб, уни қишлоқ хўжалигида суюқ ўғит сифатида ишлатишни тавсия этмоқда. Ҳаммага маълумки, қишлоқ хўжалик органлари суюқ ўғитни қабул килмайди. Чунки ерга суюқ ўғит соладиган машиналар йўқ. Бу йўл билан ишлаб чиқариш планини ошириб белгилаш мутлақо нотўғри эканлиги равшандир. Қишлоқ хўжалиги органлари суюқ ўғитни қабул қилиб олмагач, Госплан уни яна минерал ўғитга айлантириш ҳақида кўрсатма беради. Шундан сўнг комбинатда чоп-чоп бошланади. Ускуна, механизмлар ҳаддан ташкари тез ва бетўхтов ишлай бошлайди. Профилактик ремонтлар чала колиб кетади. Машина қисмларининг емирилиши кучаяди. Бу аҳвол бир неча йилдан бери давом этиб келяпти. Бунга чек қўйиш пайти етмадимикин?!

Фикримизча, корхоналар учун ишлаб чиқариш планларини белгилаётганда республика Давлат план комиссияси корхонадаги имкониятларни тўла ҳисобга олиши ҳамда ўрнатилган ускуна-механизмларнинг тўла қувват билан ишлашини кўзда тутиши лозим. Шу билан бир қаторда корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот бутун йил бўйи бир меъёрда реализация қилинишини ҳам назарда тутиш керак.

Комбинатни табиий газ билан таъминлаш бир меъёрда ташкил этилмаяпти. Хом ашё билан таъминлашдаги бу камчиликлар комбинат ишига салбий таъсир этмоқда, албатта.

В. ҚОДИРОВ,
Чирчиқ электрохимия комбинатининг бош инженери.

ҚУРИЛИШ «МАЙДА-ЧУЙДА»ЛАРИ

Комбинатимиз йирик панелли уйлар учун темир-бетон блоклар тайёрлайди. Шу блоклардан янги типдаги уйлар куради. Қисқаси, биз йирик панеллардан қуриладиган уйларнинг ҳамма ишини ўзимиз бажарамиз.

Уй тайёрлангандан кейин, уни ўрнига қўйиб пардозлаш керак. Ана шунда эшик ва дераза тутқичлари ва керакли бошқа жиҳозларни тополмай қоламиз. Уйни, эшик ва деразани мойлашда қўлланиладиган бўёқ, чўткалар ва шунинг каби бинокор учун зарур бўлган бошқа асбоб-ускуналар жуда кам. Борлари ҳам сифатсиз. Шундай вақтлар ҳам бўладики, жиҳозларни ва бинокорликда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни бозордан (қўлдан) сотиб олишга мажбур бўлмоқдамиз.

Украина, Москва, Ленинград бинокорлари синтетик смолалардан тайёрланган жиҳозлардан йирик панелли уйлар қуришда кенг фойдаланмоқдалар. Бироқ, Тошкент бинокорлари ўз умрини яшаб бўлган баъзи ибтидоий материаллардан ҳам фойдаланмоқдаларки, бу қурилиш индустриямизнинг суръатларига сира муносиб эмас. Халқ хўжалиги кенгашидаги раҳбар ўртоқлардан бизнинг ана шу мулоҳазаларимизни ҳисобга олишларини сўраймиз.

А. МУРИЕВ,
Тошкент уй қуриш комбинатининг ишчиси.

Қизил Ўзбекистонда босилганлар кейини

«ВИЖДОН СОТИЛДИ»

Шу сарлавҳа остида босилган фельетонни газетхонлар эсласалар керак. Унда Тошкент шаҳар, Фрунзе район, Қатортол маҳалла комитети раиси Асқар Ҳасановнинг ҳар хил нопок йўллар билан текин пул топиш йўлига кириб олгани, қўша-қўша участка қургани ва бошқа кирдикорлари фош қилинган эди.

Газета танқиди тўғрисида Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг секретари ўртоқ М. Муллаевдан қуйидаги жавоб хати олинди.

Фельетонда келтирилган фактлар асосан тасдиқланди. Текшириш якуни район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди.

Қатортол маҳалла комитети раиси Асқар Ҳасановнинг қилмишлари тўғрисида етарли сигналлар бўлишига қарамай, уни маҳалла комитети раислигидан четлаштирмагани Фрунзе район ижроия комитети раҳбарларига кўрсатиб ўтилди.

Фрунзе район прокуратурасидаги текшириш материаллари бўйича Асқар Ҳасанов устидан жиноий иш қўзғатилган, у жиноий жавобгарликка тортилади.

Фрунзе район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Мавлонқориев тўғрисида фельетонда келтирилган факт текширишда тасдиқланмади.

ИЛҒОРЛАР МИНБАРИ

ҚОЗОН ҲАМ МОЙ, ЧЎМИЧ ҲАМ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНИЗМ» КОЛХОЗИ ЧОРВАДОРЛАРИ ДАВЛАТГА ГЎШТ СОТИШ 1963 ЙИЛ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Абдулла ОРТИҚОВ,
колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Колхоз раиси Абдулла ОРТИҚОВ.

САЛМОҚЛИ ЯКУНЛАР

Колхоз — катта даргоҳ. Давлатимиз сахийлик билан биз деҳқонларга ер, сув, қудратли техника, қўйингки, жамоат хўжалигини ривожлантириш, мўл-кўл маҳсулот етиштириш, бадавлат ва фаровон ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйибди. Гап ана шундан тўла ва тўғри фойдаланишда.

Биз янги йилга қадам қўйган эканмиз, ўзимизга-ўзимиз ҳисоб беришимиз, янги-янги резервларни қидириб топишимиз, ўтган йилимизга якун ясашимиз керак. Шуни айтиш керакки, ўтган йил оғир келди. Лекин, жонкуяр колхозчиларимиз ҳалол меҳнат қилиб, қийинчиликларни енгдилар. Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида кун сайин, соат сайин кўрсатаётган ёрдами, ғамхўрлиги туфайли салмоқли натижалар қўлга киритилди. Биз қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг кўрсатмаларига амал қилиб, пахтани ҳам, гўштни ҳам, сутни ҳам тобора кўп етиштириш тадбирларини кўрдик. Пахтачилик билан бир қаторда жамоат чорвачилиги ва хўжаликнинг бошқа тармоқлари бирдек яхши ривожлантирилди. Буни қуйидаги рақамлар ойнадек равшан кўрсатиб турибди.

Колхозимизнинг 1808 гектар суғориладиган ери бор. Шунинг 1500 гектарига чигит, 175 гектарига маккажўхори, 9 гектарига нўхат, 11 гектарига дон учун маккажўхори, қолган ерларга бошқа экинлар экдик. Хирмонимиз баракали бўлди. **Давлатга пландаги 4100 тонна ўрнига 4130 тонна «оқ олтин» сотдик.** Колхоз бўйича ҳосилдорлик гектар бошига 27,53 центнерга тўғри келди. А. Абдуллаев, З. Ризаев, Э. Дониёров ўртоқлар бошлиқ бригадалар экин майдонларининг ҳар гектаридан 31-32 центнердан ҳосил кўтардилар. **1961 йилда колхозда 1 центнер пахтанинг таннархи 18 сўм 90 тийинга тушган бўлса, 1962 йилда 1 центнер пахтанинг таннархи 17 сўм 20 тийинни ташкил этди. Бу ҳам биринчи галда пахтачиликдаги ишларни тобора кўпроқ механизациялаштиришнинг шарофатидир.** Колхоз давлатга гўшт, сут, ёғ, сабзавот, мева, картошка ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш юзасидан ўз зиммасига олган ҳамма мажбуриятларини ошғи билан адо этди.

Хўш, биз асосий бойлик — ердан қандай фойдаландик? Бунинг учун биргина мисол келтиришнинг ўзи кифоядир. **Колхоз суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан аввалги йил 790 сўм даромад олган бўлса, ўтган йили ҳар гектар ердан 870 сўмдан даромад олди. Фақат пахтачиликдан 1 миллион 305 минг сўм даромад қилдик.** Бу — колхозчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайлидир.

Хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам серфойда бўлди. 175 гектар ердаги маккажўхоридан 8365 тонна силос бостирган эдик. Бу ҳам 167 минг 300 сўм бўлади. Чорвадорларимиз ғайрат билан ишладилар. Чорвачилик хўжаликнинг сердаромад тармоғига айланиб бораётир. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришдан 403 минг сўм даромад қилганимиз бунинг ёрқин далилидир. Шунингдек, мевачилик, сабзавотчилик ҳам ривожлантирилди. Колхоз ҳаммаси бўлиб 1 миллион 850 минг сўм даромад олиб, йилни яхши якунлади. Бу маблағнинг катта қисми хўжаликни ривожлантириш, қишлоқ ободончилиги, колхозчиларимиз турмушининг янада тўқ, фаровон бўлишига сарфланади.

ЯХШИ ЛИБОСГА ЯХШИ ТАОМ ЯРАШАДИ

Пахтакор хўжаликларда чорвачилик унча фойда бермайди, деган тушунча ҳали ҳам айрим кишиларда бор. Бу фикрнинг нотўғрилигини тажриба, ҳаёт исботлаб бермоқда. Қаловини топсанг қор ёнади, деган мақол бор халқда. Гап қайси тармоқни ривожлантиришда эмас, хўжаликни моҳирона бошқаришда. Масалан, асосан пахтакор бўлган бизнинг колхозда чорвачилик хўжаликнинг иккинчи қаноти бўлиб қолди. Шу тўғрида тўхталиб ўтай:

Ҳозир чорвачилик фермаларимизда 1265 бош қорамол, шу жумладан 290 бош сигир, 7750 бош қўй-эчки, шунингдек от, чўчқа, парранда боқилмоқда. **Еримиз эса оз, ҳаммаси бўлиб 6140 гектар, шундан яйловимиз 4300 гектарга яқин.**

Нима қилиш керак? Четдан озуқа сотиб олиб мол боқмасдан боқмаган яхши! Ўйлабкенгашиб, суғориладиган ерларнинг катта қисмига чигит экишга, қолганига иложи борича кўп озуқа бирлиги берадиган озуқабоп экинлар экишга қарор қилдик. **Суғориладиган мавжуд ерларнинг 72-73 процентида пахта, 10 процентида маккажўхори, 7-8 процентида беда, 1,5-2 процентида нўхат, 2,5 процентида сабзавот, картошка, полиз, қолган ерларда хашаки тарвуз, лавлаги етиштиряпмиз.** Бундан ташқари, **яйловларга баҳори буғдой экамиз.** Дони омборга тушса, сомони молга ярайди.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, **агар ердан тўғри фойдаланилса, оз ер ҳисобига кўп мол боқиш мумкин.** Шундай қилиб, биз ўтган йил **давлатга пландаги 55 тонна ўрнига 96,7 тонна гўшт, 380 тонна ўрнига 425 тонна сут, 47 минг дона тухум ва бошқа маҳсулотлар сотдик. 1 центнер сутнинг таннархи аввалги йилги 9 сўм 20 тийин ўрнига 7 сўм 70 тийинни ташкил этди. Колхозда ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 52 центнер гўшт, 400 центнер сут, бошқа ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 12 центнер гўшт, 12 минг 100 литрдан сут етиштирилди.**

Чорвачиликни илғорлар тажрибаси асосида, илмий равишда ривожлантираётганимиз туфайли колхоз давлатга гўшт сотиш 1963 йил планини ҳозирдаёқ бажариб қўйди. Биз яхши либосга яраша ана шундай яхши таом ҳам тайёрлаяпмиз. Колхозчиларимиз элимизга «оқ олтин» билан бирга, сифатли, арзон мўл-кўл гўшт, сут, ёғ етказиб бериш, эл маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшиш учун янада астойдил меҳнат қиладилар.

Бу суратда: қўйбоқар Абдураззоқ МЕЛИБОЕВ. У бўрдоқига қўйилган қўйларни яхши парвариш қилиб, уларнинг ҳар бирининг бир кеча-кундузда 300-330 грамм семиришига эришмоқда.

БИР ТЕРИДА ИККИ МОЛ

Бу гапнинг ўз маъноси бор: яъни бир молни семиртириб, унинг терисига икки молнинг гўшти, ёғини жойлаштириш дегани. Чорвадорларимиз шундай қиляптилар ҳам. Қорасув сойи ёқасида колхознинг чорвачилик шаҳарчаси, колхозчилар тили билан айтганда «гўшт фабрикаси» бор.

Колхозда давлатга гўшт учун топшириладиган молларни бўрдоқига боқишга алоҳида эътибор берилаётир. Гўштга топшириладиган брак буқа, қўй, чўчқалар январь-февраль ойларидаёқ подадан ажратилиб алоҳида сурув ва пода ташкил этилади. 15 мартда бу қорамол ва қўйларни Келес массивидаги яйловларга ҳайдаймиз. 1 июндан бошлаб моллар Бўстонлиқдаги серўт яйловларга ёйилади. Шундай қилиб **гўштга топшириладиган моллар қўлдан озуқа емасданоқ яйловда яйраб, анча семиради.** Бунга колхоз чўпон ва молбоқарларига бериладиган ҳақни ҳисобга олмаса, деярли харажат ҳам сарфланмайди.

10-15 ноябрда яйловдаги ҳамма моллар пунктга ҳайдаб келтирилади. Бу даврда совуқ тушиб, яйловларда озуқа ҳам қолмаган бўлади. Шу кундан бошлаб уларга зоотехник ва ветврачлар томонидан тузилган қатъий рацион асосида озуқа берилади.

Энди бўрдоқига боқилаётган молларга бир кеча-кундузда бериладиган озуқа рационини келтираман:

1 бош қорамолга 1 кеча-кундузда:
30 килограмм силос
4 килограмм беда
2 килограмм сомон
2 килограмм мошғўпон
1 килограмм концентрат озуқа берилади.

Буларнинг ҳаммаси 8,5 озуқа бирлигига баравардир. Моллар кунига икки-уч марта суғорилади. **Натижада пунктдаги қорамолларнинг ҳар бири кунига ўрта ҳисобда 1 килограмм 100 граммдан семиряпти.**

Қўйлар ҳам шундай қатъий рацион бўйича боқилаётир. **Бир кунда 1 қўйга:**
3 килограмм силос
1 килограмм беда
1 килограмм сомон
1 килограмм мошғўпон берилади.

Бу — 1,78 озуқа бирлигига тенгдир. Шу ҳажмдаги озуқани истеъмол қилаётган қўй бир кунда 300-330 грамм семиряпти. Қўйнинг 1 килограмм семириши учун унга уч кунда 6,5 озуқа бирлиги сарфланяпти.

Молларнинг боқувда кўп туриб қолиши фойдасиздир. Шу сабабли чорвадорларимиз бўрдоқига қўйилган молларни тезкорлик методи асосида боқмоқдалар. Қорамолчилик фермасида 206 бош мол бор эди, Абдураҳим Абдураҳмонов, Саъдулла Иноғомов, Жўрабек Темирқулов каби молбоқарларимиз **бу моллари 55 кун ўрнига 45 кун боқиб, шу вақт ичида ҳар бир қорамолнинг ўртача 60 килограммдан семиришини таъминладилар.** Чиндан ҳам гўшт фабрикаси бу. Бу тўрт азамат ҳар куни 206 бош қорамолнинг ҳар бирининг 1100 граммдан семиришини таъминлаб, 45-50 кун давомида кунига 226 килограммдан сифатли гўшт етиштириб туришди.

Қўйбоқар, чўчқабоқар, қуёнбоқарларимиз ҳам ана шундай баракали ишламоқдалар. 600 бош қўйнинг ҳар бири боқувга қўйилган даврнида 15 килограммдан семирди. **Агар пунктга вазни 240 килограммли қорамол келтирилган бўлса, гўштга топшириш даврида унинг оғирлиги 305-310 килограммни ташкил этди. Қўйларнинг вазни боқувга қўйилиш олдидан 38,5 килограмм бўлса, гўштга 51 килограммдан топширилди.** Бунда молбоқар, қўйбоқарларимиз билан бирга аравакашларимизнинг ҳам ҳиссаси катта. Аравакаш Аҳмад Тошев, Ҳасан Зиёев озуқаларни пунктга ўз вақтида ташиб бериб турдилар.

Чорвачилик — хўжаликнинг бир қаноти бўлиб қолянти, деган эдик. Шу ўринда сўзимизнинг исботи учун яна бир мисол келтирамиз. Ҳисоб-китоб қилиб кўрдик: **колхозда 1 центнер қорамол гўшти етиштириш учун ҳаммаси бўлиб 74 сўм харажат қилинди. Уни давлатга 120 сўмдан сотамиз.** Демак, **колхоз бўрдоқи қилиб етиштирилган гўштнинг ҳар бир центнеридан 45 сўм 60 тийиндан фойда олади.** Шунингдек, қўй гўшти етиштиришдан ҳам катта даромад олинди. **1 центнер қўй гўшти етиштириш учун ҳаммаси бўлиб 54 сўм харажат қилинган бўлса, давлатга 84 сўмдан сотилди ва ҳар бир центнер қўй гўштидан колхоз 30 сўм фойда кўрди.**

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, **пахтакор хўжаликларда ҳам чорвачиликни муваффақиятли ривожлантириш, мўл-кўл, арзон ва сифатли гўшт, сут, ёғ етиштириш мумкин.**

ҲАҚ — ИШГА ЯРАША

Моддий манфаатдорлик — жамоат хўжалигини ривожлантиришда муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли биз ҳар бир соҳада ана шунга амал қиляпмиз.

Масалан, қорамоллар бўрдоқига боқилаётган пунктда тўрт молбоқар бор. Уларнинг ҳар бирига 45 тадан қорамол биркитилган. Ҳар бир мол бир кеча-кундузда 1 килограмм 100 граммдан семирса, бир молбоқар кунига ўртача 47,5 килограмм гўшт етиштирган бўлади. **Молбоқарга ҳар 10 килограмм гўшт учун 1 сўм тўланади. Қўйбоқарларга ҳам ҳақ тўлаш тартиби ана шундай.** Яхши ишлаганга — яхши ҳақ! Агар ўзига биркитилган молларни бундан ҳам ортиқ семиртирса, оладиган ҳақи ҳам ошаверади. Бу тартиб чорвадорларнинг кўп, арзон, сифатли маҳсулот етиштиришда моддий манфаатдорлигини оширади, уларни янада яхши, ташаббус кўрсатиб ишлашга ундайди. Молбоқар Ж. Тўрабеков, С. Иноғомов, А. Абдураҳмонов, қўйбоқар А. Мелибоев, Т. Исроилов, С. Бекназаровларнинг ҳар бири ойига 140-150 сўмдан ҳақ олиляпти.

Сут-товар, қуёнчилик, чўчқачилик, паррандачилик фермаларимизда ҳам ана шундай тартиб ўрнатилган. Давлат Меликов 400 қуённи парвариш қиляпти, Екатерина Зенченко чўчқаларни тезкорлик усулида боқяпти.

Сут-товар фермамиз коллективи пландаги 380 тонна ўрнига ўтган йили 425 тонна сут соғиб олди. Анорхон Назарова ўзига биркитилган 18 бош сигирнинг ҳар биридан 4200 литрдан сут олди. Ойимхон Шералиева, Хумор Темирқулова ўртоқлар ҳам сигир бошига 3870-3880 литрдан сут олишди. Фермамиздаги сигирларнинг деярли ҳаммаси «Аспирит»зотли сигирлардир. **Сут соғувчиларга ҳам соғаётган ҳар 100 литр сут** учун 1 сўм 20 тийин тўланмоқда.

Ишимизнинг яна бир томони ҳақида гапирмоқчиман. Бу — механизациядир. Пахтачиликдагидек чорвачиликда ҳам механизация жонизмга оро кириляпти. Бўрдоқичилик пунктида типовой молхона бор. Ҳар бир мол учун алоҳида жой, охур бор. Сув водопроводдан келади. Дағал хашакларни майдалаш учун соломорезка бор. Осма йўллар ишлаб турибди. Молхоналарни тозалаш ҳам механизациялаштирилган. Сут-товар фермамизда «арча» агрегати ўрнатдик, Анорхон уни ўзлаштириб, ҳозир 60 бош сигирни «арча»да соғмоқда.

Хўш, бу бизга нима берди? **Фермалар кенг механизациялаштирилиши туфайли илғари чорвачилик ишлари билан банд бўлган кишиларнинг 75 проценти озод қилиниб, улардан бошқа ишларда фойдаланиш имконияти туғилди. Бинобарин, маҳсулот етиштириш кўпайиб, унинг таннархи арзонлашди.** Ҳозир чорвачиликда ҳаммаси бўлиб 94 киши ишлаяпти, ҳолос. 8000 дан ортиқ қўй-эчки, 1300 қорамол, 300 сигир, парранда, қуён, чўчқаларни шулар парвариш қилмоқдалар.



Бўрдоқичилик пунктининг молбоқари Абдураҳим АБДУРАҲМОНОВ



Тажрибали молбоқар Сайдулла ИНОҒОМОВ

ОЗИҚЛИ ОТ ҲОРИМАС

Чорвачиликни ривожлантириш — ем-хашак етиштиришни кўпайтиришга боғлиқ. Бунинг учун экинлар структурасини яхшилаш, озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш талаб қилинади. Биз бу йил ҳам пахта майдонларини камайтирмаймиз. Бинобарин, озуқа экинлари майдонини ошириш ҳам мумкин эмас. Бирдан-бир йўл — ҳосилдорликни оширишдир. Бунинг учун катта имкониятлар бор. **Ўтган йили 164 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 510 центнердан силосбоп кўкпоя олинди. Акром Икромов бошлиқ комсомол-ёшлар звеноси эса 21 гектар ернинг ҳар гектаридан 1100 центнердан кўкпоя олди. Ер, сув, ишчи кучлари, техника ҳамма звеноларда ҳам бир хил. Демак агар ҳамма маккажўхорикор звенолар ҳам Акром Икромов звеносидек ишласа, колхозда маккажўхори майдонларини кенгайтирмасдан туриб, ўша сув, ўша ўғит, ўша харажатлар билан силос етиштиришни икки баравар кўпайтириш мумкин. Бу ҳам катта резерв!**

Колхознинг 193 гектар эски бедазори бор. Ўтган йили **бедани 5 марта ўрдик.** Ҳар гектар ердан 98 центнердан ҳосил олдик. 20 гектар ерга хашаки лавлаги экканэдик. Унинг гектаридан 550 центнердан ҳосил олинди. 7 гектар ерга экилган ошқовоқ ҳам моллар учун ширали озуқа бўлди.

* * *

Барча совет кишилари сингари Нов қишлоғининг меҳнаткашлари ҳам шу кунларда катта тараддуд билан яшамоқдалар. Партиямиз Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари деҳқонларимизни, чорвадорларимизни янги зафарларга қанотлантирмоқда. Пахтакорларимиз минг гектарга яқин ерни сифатли шудгор қилиб, далага ҳар гектар ер ҳисобига 8 тоннадан гўнг ташиб чиқардилар.

Чорвадорларимиз давлатга гўшт сотиш 1963 йил планини бажардилар. Лекин улар эришилган бу ютуқлар билан хотиржамланиб қолаётганлари йўқ. Аксинча, моллар парваришини янада яхшиламоқдалар. **Келгуси йилда гўштга топшириш учун ҳозирданоқ 225 бош бузоқ ажратиб олинди. Отарлардан қўйлар ажратиляпти.**

Ҳам пахта, ҳам гўшт, ҳам сут, ёғ мўл бўлсин! — новликлар ана шу шиор остида ишламоқдалар. Бунинг учун колхознинг асосий бойлиги — ердан янада яхши, оқилона фойдаланиш тадбирлари кўрилаётир. Ҳар бир қарич ердан қанчалик оқилона фойдаланса, ундан иложи борича мўл маҳсулот олса, турмушимиз янада фаровон, бадавлат бўлади, эл маъмурчилиги ошади, порлоқ истиқболимиз — **коммунизм** шунча тез якинлашади. Қозонни ҳам, чўмични ҳам мой бўлиши ўзимизнинг қўлимизда, меҳнатимиз, меҳнатимиз ва ҳалол меҳнатимизга боғлиқ.



Колхоз бўрдоқичилик пункти Қорасув сойи ёқасида жойлашган. Бу ер молларни суғориш, боқиб семиртириш учун жуда қулайдир. Суратда: бўрдоқига боқилаётган қўйлар сурувн Қорасув ёқасида.

И. Глауберзон фотолари.

Оламда нималар гап

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ КЛАССИКЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ КОРЕЙС ТИЛИДА

ПХЕНЬЯН, 4 январь. (ТАСС). Корея Меҳнат партияси нашриёти Карл Маркс ва Фридрих Энгельс асарларининг иккинчи томини корейс тилида нашр этди. Маркс ва Энгельснинг 1844 йил сентябридан тортиб 1846 йил февраль ойигача езган асарлари бу томга киритилди.

Мамлакат озод қилинганидан буён ўтган давр ичида Корея Меҳнат партияси нашриёти марксизм-ленинизм классикларининг 243 асарини корейс тилида жами 4 миллион 800 минг нусха нашр этди.

ПОЛЬШАНИНГ КУБАГА ЁРДАМИ

ВАРШАВА, 4 январь. (ТАСС). Польша мутахассислари Кубада икки кемасозлик корхонаси қуриб берадилар. Бу корхоналарнинг бири Гаванада қурилади. Бу корхона йилига жами 100 минг тоннадан кўпроқ оғирлиндаги кемаларни ремонт қила олади. Иккинчи кемасозлик корхонасида янги кемалар қурилади.

Кемасозлик корхоналарининг лойиҳалари тузилиб бўлди. Ҳозирги вақтда Польшадаги кемасозлик корхоналарида ва техника мактабларида Куба учун кемасоз мутахассис кадрлар тайёрланмоқда.

Ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидан

ПРАГА, 4 январь. (ТАСС). Янги йилнинг бошланиши социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа билан нишонланди: Прагада етти мамлакат — СССР, Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия ва Чехословакия бирлашган энергетика системаларининг марказий диспетчерлик пункти ишдай бошлади.

Янги халқаро орган 7 давлатдан ҳар бирининг электроэнергетика манбаларидан гоят самарали, тежамли фойдаланишни таъминлайди.

КУБАДА «ДЎСТЛИК ПАРКИ»

ГАВАНА. (ТАСС). Куба революцияси тўрт йиллиги байрамида қатнашиш учун Кубага келган 61 мамлакат делегатлари «Дўстлик парки» барпо қилиш учун бу ерга йиғилишдилар. Улар Америкадаги озод территориянинг ана шу кўркам жойи хуснига хусн қўшиш ва Кубага келганликлари тўғрисида қаҳрамон халққа эсдалик қолдириш учун бу ерда икки ярим минг кўчат ўтказдилар. Ўтказилган кўчатларнинг ҳар бирига кичкина таблица бириктирилган бўлиб, кўчат ўтқазган делегатнинг номи ёзилган.

Таблицалардан бирига шу сўзлар ёзилган: «1963 йил 3 январда Павел Попович шу кўчатни ўтқазди».

Кўчатлар ўтқазилганидан кейин митинг бўлди. Бу митингда бирлашган революцион ташкилотлар миллий раҳбарлигининг аъзоси Рамон Кальсинес нутқ сўзлади.

Ҳарбий намойишлар давом этмоқда

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 4 январь. (ТАСС). Америка ҳарбий қумондонлиги яқинда ўз қўшинларини Ғарбий Германиядан Ғарбий Берлинга намойишкорона тарзда яна юборади деб эълон қилган эди, ҳозир эса бу ишни бошлади. Кеча бу ерга 13-америка пиёдалар полки жанговар группасининг дастлабки бўлинмалари келди.

АҚШ ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ИШЛАРИГА АРАЛАШИШНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

ВАШИНГТОН, ТАСС мухбири М. Сагателян хабар беради:

Жанубий Вьетнамда қон тўкиш давом этмоқда. Америка информация агентликларининг Сайгондан берган хабарларида Меконг дельтасида АҚШ қуролли кучларининг иштироки билан янги катта жанг бўлганлиги айтилади. Бу жанг вақтида Америка вертолетларидан 5 таси уриб туширилган.

Қўшма Штатлар Жанубий Вьетнам миллий озодлик кучларига қарши уруш ҳаракатларини тез фурсатда жуда активлаштириб юбормоқчи, деган гаплар кейинги кунларда Америка пойтахтида кўп такрорланмоқда. «Вашингтон пост энд Таймс геральд» газетаси, 1963 йилда Жанубий Вьетнамда «уруш ҳаракатлари кенгайтирилади» ва «Жанубий Вьетнамда олиб борилаётган урушга АҚШнинг аралашуви» кучайтирилади, деб ёзмоқда.

Ҳозирги вақтда АҚШ Жанубий Вьетнамининг миллий озодлик кучларига қарши чинакам уруш олиб бормоқда. Жанубий Вьетнамда, деб ёзади «Вашингтон пост энд Таймс геральд» газетаси, ҳозирги вақтда Американинг 12 минг солдати ва офицери бор. Жангларда қатнашаётган самолётларнинг 30—50 процентини Американинг ҳарбий учувчилари бошқармоқда. Америка офицерлари партизанларга қарши ўтказилаётган ҳамма операцияларнинг амалий режаларини тузиб бермоқдалар, бу операцияларда иштирок қилаётган роталар ва взводларга раҳбарлик қилмоқдалар. АҚШ ҳукумати жанг операцияларига кунига 1.5 миллион доллар сарфламоқда.

Шу йилнинг охиригача, деб ёзади «Вашингтон пост энд Таймс геральд» газетаси, АҚШ Жанубий Вьетнамга бериладиган ҳарбий ва иқтисодий ёрдамга ҳаммаси бўлиб 3 миллиард доллар чамаси пул сарфлайди.

АҚШДА ЗАБАСТОВКАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). АҚШда забастовка ҳаракати кенг тус олмоқда.

Нью-Йоркда ва бошқа шаҳарларда шляпа ишлаб чиқаришда банд бўлган кам иш ҳақи олувчи 10 минг ишчи иш ҳақига 10 процент қўшимча берилишини талаб қилиб, ишни тўхатди.

60 мингдан ортиқ порт ишчиларининг забастовкаси давом этмоқда. Бу забастовка Мэн штатидан (Шимолий Атлантик қирғоғи) то Техас штатигача (Мексика кўрфази) бўлган портлардаги ишни тўхтатиб қўйди.

Нью-Йорк матбаачиларининг забастовкаси 27 кундан бери давом этмоқда.

Хитой Халқ Республикаси. Гуанси-Чжуан автоном районидаги Даяо тоғлари қалин бамбук ўрмонлари билан қопланган. Баъзи бамбук дарахтларининг бўйи 20 метрга етади. Унинг ёғочидан уй қурилишида, мебель анжомлари тайёрлашда кенг фойдаланилади. Бамбукнинг ёш новдалари эса истеъмол қилинади. СУРАТДА: бамбук новдаларини йиғмоқдалар.

Синьхуа—ТАСС фотоси.

ЭНГ АШАДДИЙ ФАШИЗМ

«Дунёдаги энг ашаддий фашизм». А. Мурделнинг «Франс нувель» журналида босилган мақоласи шундай номланган. Биз шу мақолани айрим қисқартишлар билан босдик.

Беш, саккиз, ўн йил фашист режимининг истибдодини ўз бошидан кечирган халқлар ҳали унинг оқибатларини тугатганлари йўқ. Ҳозир ҳам фашизм етказган жароҳатларнинг ўрни битгани йўқ. Бироқ, ўтгиз олти йил! Ҳар бир кунни санаб, 36 йил яшаш! 13 минг кундан ортиқ вақт! Авлодлар ўзгарди, улар бошқа уфқни кўролмадилар. Миллионлаб кишиларнинг ҳаёти қурбон қилинди.

Бундан 36 йил муқаддам ҳам португал халқи озод эмас эди. Ленин ўзининг «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» номли китобида: «Португалияни олсак, бу мамлакат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлгани ҳолда молия ва ташқи сиёсат жиҳатидан қарамликнинг бирмунча бошқачароқ хилидир. Португалия мустақил, суверен давлатдир, аммо ҳақиқатда... бу мамлакат Англиянинг ҳимояси остидадир», — деган эди.

Ўша даврдан буён халқаро монополияларнинг Португалияга ҳукмронлиги йил сайин оша борди. Ҳозирги вақтда Португалия улкан тюрьмага айланиб қолди.

Португалиянинг жанубидаги Байшу-Алентежу вилоятидаги шаҳар ва қишлоқларни мисол қилиб олайлик. Ралланинг асосий қисми шу ерда етиштирилади. Деярли бутун деҳқонлар ердан маҳрум этилган. Қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлган кишиларнинг 90 проценти қишлоқ хўжалик ишчилари бўлиб, уларнинг бир парча ҳам ери йўқ. Бу ерда йилнинг олти ойидан кўпроқ вақт ичида ишсизлик, очлик ва қашшоқлик ҳукм суради. Шу билан бир вақтда халқ оммасининг тинчлик учун, нон ва озодлик учун кураши бу ўлканинг бутун-бутун районларига ёйилмоқда.

Шаҳарларда ва қишлоқларда очликка қарши ва тинчликни ҳимоя қилиб юришлар, иш ҳақини ошириш ва 1 Майни байрам қилишга рухсат этишни талаб қилиб забастовкалар ўтказилмоқда.

Шунинг учун ҳам Салазар ҳукумати улардан қўрқади. Уларни чинакам концентрацион режимга бўйсундиришга ҳаракат қилинаётганлигининг боиси ҳам шунда. Бу режим қуйидагича:

— кўчаларда ашула айтиш, ҳатто кундуз кунлари ҳам тақиқланади;

— полициянинг рухсатисиз кишлоқдан чиқиб кетиш, ҳатто кўшни қишлоққа бориш ҳам тақиқланади;

— тюрьмада ётиб чиққанларнинг уйларига бориш тақиқланади;

— тунда уйдан чиқиш тақиқланади;

— сокол қўйиш тақиқланади (бу ҳақда қонун бўлмаса ҳам, бироқ, «Сен Фидель Кастрога ўхшашни истайсанми?» деб полициячилар сокол ўстирган кишига ёпишиб олиб, унинг соқолини битталаб юлиб олишади);

— полициянинг рухсатисиз ўйинга тушиш тақиқланади. Бундай рухсат эса камдан-кам берилади.

Байшу-Алентежу — бу биргина вилоят, бу биргина мисол. Бутун мамлакат бўйлаб 1926 йилдан буён 68 мингдан ортиқ эркак ва аёл турли сиёсий баҳоналар билан қамоққа ҳукм қилинган.

1937 йилдан 1941 йилгача «динга қарши жиноят қилганлиги, давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби ва тинчлигини бузгани учун» 4727 киши қамоққа ҳукм қилинган. Бу эса мамлакат аҳолисининг ҳар 100 мингидан 129 киши қамалди, деган сўздир.

1956 йилдан 1960 йилгача шу баҳоналар билан 21974 киши қамалган. Бу — ҳар 100 минг аҳолига 477 киши демакдир. 1960 йилдан кейин 200 дан ортиқ ватанпарвар умрбод қамоққа ҳукм қилинган.

Колонияларга каторга ишларига юборилган юзлаб группа кишиларни айтмаса ҳам бўлади. Шундай группалардан бири Алим Маланжга юборилган эди. 400 кишидан атиги 20 киши қайтди...

Зўравонлик, жиноят, ўзбошимчалик — булар Салазар режими асосланган кечаги воқеаларгина эмас. Бу террор кун сайин кучаймоқда, аҳолининг бошқа қатламларига, янги районларга, сиёсий группаларга ҳам тарқалмоқда.

1962 йилнинг ўзидагина антифашистик фаолияти учун 6 мингдан ортиқ португалиялик қамоққа ташланди! Бу — Франциядаги аҳолининг сонига қиёс қилганда 32 минг киши, Қўшма Штатлардагига қиёс қилганда эса 100 мингдан ортиқ киши қамоққа ташланди, деган сўздир.

Алкасер-ду-Салада 2 майда 28 ишчи қамалганига қарши халқ оммаси бош кўтарди. Аёллардан бири полициячига бир кастрюлька иссиқ сув сепиб юборди. Бироқ полициячилар қамалганларни Кашиас қалъасига олиб кета олдилар. Бу ерда эса қамалганлар ғайри инсоний тарзда қийноққа солинди.

1962 йилда репрессия қилиш, қамоққа ҳукм қилиш учун ҳар хил баҳоналардан фойдаланилди. Студентлар ўзларининг ғайри сиёсий ва ғайри диний бирлашмаларини ҳимоя қилиш учун кўтарилдилар. Лиссабонда ва Кимбреда студентлардан 2 минг киши (университетда ўқийдиган барча ўқувчиларнинг салкам 10 проценти) қамоққа олинди. Парижда яшаётган португалияликлар республика президентига юборган мактубларида ҳайкалтарош Диас Коэльонинг ўлимини атрофлича текшириб кўришни талаб қилганларида бегуноҳ 10 киши ўша заҳотиёқ қамоққа олинди.

Мадерда йирик ҳокимият гидроэлектрик компаниялар манфаати йўлида ариқларни кўмишга қаршилик кўрсатгани учун (ҳатто сувни ҳам тортиб олишмоқчи) яқинда ўнлаб деҳконлар қамоққа ташланди. Бу можарода бир қиз ҳалок бўлди.

Бундай шароитда Салазар ҳукумати Португалия коммунистларини ўзининг эсосий душманларидан бири деб билаётганлиги ва уларни такик қилиш учун ўз репрессив аппаратининг бутун имкониятларидан фойдаланаётганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Дарҳақиқат, фашизмга ҳеч нарса социализмчалик душман эмас ва бутун халқ ҳуқуқлари ва манфаатларини коммунистлардан ҳам кўра яхшироқ ҳимоя қиладиган киши йўқ.

Португалияга келганда шуни айтиш керакки, Португалия Коммунистик партияси — бу ягона оппозиция партиясидир. У 36 йил мобайнида яширин иш олиб бориб, репрессиянинг доимий ўти остида Португалия халқининг кенг табақаларини бирлаштириб, уюштириб ва фашистларга қарши катта жангларга ҳозирлашга қодирлигини кўрсатди.

Шунинг учун ҳам бугун дадил айтиш мумкинки, Португалия Коммунистик партиясининг тарихи — бу Португалия халқининг тарихидир. Унинг раҳбарлари, курашчилари ва ташкилотнинг ўзининг қийноққа солинганлиги, тазйиқ қилинганининг тарихи Португалия озодлигини 36 йил давомида бўғиб келаётган зулм тарихида энг фожиали ва энг қаҳрамонона саҳифалардир.

Бош секретарь Бенту Гонсалвеш, Марказий Комитет аъзоси Альфредо Калдейра ва кўпгина бошқа коммунистларнинг ҳоки қолган Таррафалдаги концентрацион лагерь қабристонига олиб борадиган йўл коммунистлар учун виждон йўлидир. Бу — коммунистлар ўз ватанлари учун ҳар қандай қурбонга тайёр эканликларини кўрсатадиган ёрқин далилдир.

Узоқ муддатга қамоққа ҳукм қилинаётганлар ҳам коммунистлардир: партия Марказий Комитетининг аъзоси Мануэл Родригес да Силва оғир касал бўлишига қарамай, ҳеч қандай ёрдам олмай 23 йил давомида Пенише қалъасидаги тюрьмада ётди; Португалия Компартияси раҳбарларидан бири Мануэл Гедес ўша қалъанинг ўзида 16 йил ётди.

Сиёсий полиция ҳам ваҳшийларча ана шу коммунистларни ўлдирмоқда: Марказий Комитет аъзоси Альфредо Диниз, доктор Феррейра Соарис, Жосе Диас Коэльо ва бошқа кўплаб қаҳрамонлар ўлдирилди. Қамоққа олингач, дарҳол қийноққа солинадиганлар ҳам шулар, 1962 йилда неча юзлаб киши қийноққа солинди. Ана шундай ваҳшийлик қурбони бўлган кишилар орасида Кустодия Штинге ва Мария Галвайас бор. Бироқ, қийноққа солинганликларига қарамай, коммунистлардан бирортаси хоинлик қилмади.

Зўравонлик қўллаган Салазар режими бу билан энг катта хавф қаердан келиб чиқаётгани, у ҳаммадан кўра кимдан қўрқишини ҳамиша кўрсатиб келди. Салазар режими учун энг катта хавф биринчи навбатда коммунистлар, ишчилар синфидир. Шунингдек, тинчликни, озодликни ёки демократияни ҳимоя қилиб бош кўтарган бошқа португалияликлардир.

Генерал Годинхо кейинги уруш вақтида Салазарнинг гитлерчилар билан ҳамкорлик қилганини кўрсатадиган далиллар келтиришни айтганида, уни ўлдиришди. Архиепископ Опорто 1958 йилдаги сайлов найрангларини дангал қоралагани учун мамлакатдан қувғин қилинди.

Нобель мукофотига номзод, ёзувчи Акилино Рибейро сиёсий трибуналлар фаолиятини фош қиладиган романини босиб чиқаргач, уни қора курсига ўтказишди.

Фақат 1962 йилнинг ўзида барча сиёсий оқимларга мансуб бўлган интеллигенциянинг 150 дан ортиқ вакили тюрьмаларга ташланди.

Шулардан бири Мануэл Серра, католиклар раҳбари қамоқда ўтказилган 40 кунидан 32 куни сўроқ қилинди, уйқудан маҳрум этиб, қийноққа солинди. Уни 13 марта муштум, оёқлар, резина қамчи, стул билан урдилар. Буларнинг барчаси «христианлик» ва «ғарбий цивилизация» ниқоби остида амалга оширилди.

Бу ерда биз тасвирлаётганимиз — бу кичик бир манзара, даҳшат ва зўравонлик билан тўлиб-тошган халқ ҳаётининг кичик бир муқаддимасидир. Салазар режими халкни ана шундай даҳшатларга маҳкум этмоқда.

Тазйиққа олинган ёки тюрьмада ётган ҳар бир кишининг ҳаёти бир сутка — 24 соат қийноқдан иборатдир. Рақамлар тили билан айтганда, кейинги вақтларда ҳар йили ўрта ҳисобда 100 португалиялик умрбод тюрьмага ҳукм қилинмоқда: ҳар ойда уч марта сиёсий айблар билан одам ўлдирилмоқда: ҳар куни 15 демократ қамоққа олинмоқда.

Бу даҳшатли воқеликдан хабардор бўлган ер юзидаги ҳар бир эркак ва аёл тазйиқ қилинаётган португалиялик антифашистларга ёрдам бериш истаги билан тўлиб-тошади. Унинг яна озодликка эришувига ёрдам беради. Бунга имонимиз комилдир.

(«Известия» газетасидан).

ОВЧИ

Хонақа яйловида ўтлаб юрган қўйлар қулоқларини диккайтириб, чўпон турған томонга гурра қоча бошлади.

— Бўри келганга ўкшайди, — деди чўпон жон ҳолатда, — Ҳа, бўри келибди!

Итларнинг ҳужумига қарамай бўрилар 2-3 қўйни олиб чўлга қочди.

Бу ҳақда «Марксизм» колхози правлениесига хабар етди. Колхоз правлениеси Яккабоққа донги кетган овчи Юнус Тоҳировга мурожаат қилди.

— Бўрилар қўйларимизга тинчлик бермаётир, қисқа вақтда 5-6 қўйимиз нобуд бўлди.

Юнус ака кўп ўйлаб ўтирмади. У бўрилар ортидан из қидирди. Уларнинг келиш йўлига қопқон қўйиб, кузатди.

Кунларнинг бирида қопқон қўйилган жойда 2 бўрини учратди. Бир бўри қопқонга тушган, иккинчиси шеригини ташлаб кетолмай, гир айланарди.

Юнус ака айланиб юрган бўрини отиб йиқитди-да, қопқондагисининг оғзига сим тўр солиб, тириклай олиб кетди. Колхоз правлениеси Юнус Тоҳировга бир қўй тухфа қилди. Район тайёрлов конторасси эса 90 сўм пул берди.

Рашид ОЧИЛОВ.

ПЕКИНДА МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПЕКИН, 4 январь. (ТАСС). Кеча Пекинда Хитой—Ҳиндистон чегара можаросини тинч ҳал этишга қаратилган музокаралар давом этди. Музокараларда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай, Цейлон бош министри С. Бандаранаике, Хитой Халқ Республикаси бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Субандрио қатнашдилар.

Синьхуа агентлигининг хабар беришича, музокаралар дўстлик вазиятида ўтган.

Чап томондаги сурат Бразилия газетаси «Семанарио»дан олинган. Унда Португалияда «темир Мария» деб номланган қийнов тасвирланган. Унгдаги «Пунто» (Рим) ҳафталигидан олинган суратда Португалия полицияси Лиссабон университетининг медицина факультетига ҳужум қилаётгани акс эттирилган.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

Томошалар. Эълонлар

РАДИО

6 ЯНВАРДА

Биринчи программа: 7.40 — Ота-оналар учун (ўзбек тилида), 8.25 — Ёқтирган қўшиқ ва куйлар, 10.30 — Қўшиқ ва романслар, 11.25 — Бу ёқада (радио эшитувчилар хати асосида), 12.15 — Ешлар учун (ўзбек тилида), 12.30 — Халқ куйлари, 13.30 — Концерт (рус халқ хорлари солистлари ижросида), 15.15 — Адабий-драматик эшиттириш (ўзбек тилида), 17.25 — Фельцман. Оркестр жўрлигида скрипка учун концерт, 17.55 — «Шолгом» (ўзбек тилида радиопостановка), 19.20 — Концерт (қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар учун), 20.00 — «Фан ва турмуш» (ўзбек тилида), 20.15 — Бокал санъат усталари, 21.15 — Дам олиш концерти (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.15 — Лирика кечаси.

Иккинчи программа: 19.00 — Концерт, 19.40 — Балет рақслари, 20.10 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари, 21.00 — Концерт (ашулачи Бобохоновлар ижросида), 21.30 — Святослав Рихтер чалади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

6 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Физкультура билан шуғулланинг**, 12.20 — **Инглиз тили дарси**, 13.00 — **Кичик воқеалар** номли бадиий фильм.

Рус тилида: 14.05 — **Пушок ва Дружок** (мультипликацион фильм), 14.15 — **Граф харобаларида** номли бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 18.00 — **Келажанка саёҳат** (Ю. Шомансуров поэмаси асосида телеинсценировка, мактаб ўқувчилари учун), 18.55 — **Телевизион янгиликлар**, 19.10 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида).

Рус тилида: 19.50 — **Закопанега саёҳат** (телевизион очерк), 20.15 — **Телевизион янгиликлар**, 20.30 — **Фан ва техника** киножурнали ва **Флориан** номли чехословак кинокомедияси, 22.05 — **Сўнгги ахборот** (ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.00 — **Яхши кишилар ҳақида** 19.20 — **Беккеров рояли** (С. Антонов ҳикояси асосида телевизион спектакль).

Ўзбек тилида: 20.10 — **Кўр музиқачи** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/I да **Боғчасарой фонтани**, кечқурун **Травиата**, 7/I да кундуз **Русалка**, кечқурун **Шаҳризода, Штраусиана, Болеро**, 8/I да кундуз **Коппелия**, кечқурун **Дилором**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/I да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Тобутдан товуш**, 7/I да кундуз **Ревизор** (5/I га сотиб олинган билетлар ярайди), кечқурун **Олов**, 8/I да кундуз **Ҳамза**, кечқурун **Қузғунлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/I да кундуз **Ғазал фожиаси**, кечқурун **Тошболта ошиқ**, 7/I да кундуз **Тошболта ошиқ**, кечқурун **Алпомиш**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10/I гача **«Цирқда арча»** ва **Катта янги йил томошалари**. Кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

КИНО

Уғил қайдадир — «ВАТАН», «МИР», «ВШ ГВАРДИЯ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Алангали йиллар қиссаси — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Рим каниқуллари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Кўчалар унутмаган — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Поезд Шарққа йўл олди — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Гекльберри Финн саргузаштлари — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Кўк кўрфаз капитанлари — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб, 10 ва кундуз 12 да).

Ун икки ой — «МИР» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

1963 йил 16 январь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 14-уй, химия институтлари кутубхонаси)

М. Т. Сонбова

химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Табиий тузларнинг ва аралашмаларининг ғарқибий термографик анализи» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши Радио ва электротехника саноати бошқармасининг

„Ташсчётмаш“ заводи

ҳисоблаш, жамлаш, фактура, электр-ёзув машиналари, арифмометр, контроль-ўлчов асбобларини

ремонт қилиш учун

1963 йилга

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ

Ҳисоблаш машиналарига қараб туриш фақат Тошкент шаҳри доирасида бажарилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-32, Губкин кўчаси, 1-а уй, телефон 6-10-97, 6-10-13.

ТУҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРЕЯ ФАБРИКАСИ,

Ўзбекистон кўчаси, Шелкомотальний проезд, 49-уйдаги XVIII партсъезд номли

ТУҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРЕЯ ФАБРИКАСИ

ва Магазин мавзу, 138-уйдаги

ТУҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРЕЯ ФАБРИКАСИ

«УЧҚУН» НОМЛИ ТОШКЕНТ ТУҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРЕЯ ФИРМАСИГА

ВИРЛАШТИРИЛДИ

Юқоридаги фабрикаларга бўлган даъволар Тошкент тўқимачилик-галантерея фирмаси томонидан 1963 йил 14 январгача қабул қилинади. Адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 53-уй.

«ГЛАВГОЛОДНОСТЕПСТРОЙ»ГА қурилиш-монтаж бошқармалари, ОРСлар ва саноат корхоналарининг бош бухгалтерлари ва бош бухгалтер ўринбосарлари

керак

Мурожаат учун адрес: Янгиер шаҳри.

МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ

трести „водоканал“

хўжалик-маиший ва технология эҳтиёжлари учун 1963 йилда талаб қилинадиган

ВОДОПРОВОД СУВИ

ҳақидаги маълумотни 1963 йил 1 февралгача тақдим қилиб,

шартнома тузишни

сўрайди.

Шартнома тузмаган ва зарур сув тўғрисидаги маълумотни тақдим қилмаган ташкилотлардан сув ҳақи уларга ўтказилган водопровод тармоқларининг катта-кичиклигига қараб ҳисобланади.

ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИГА

инженерлар: механиклар, технологлар, сварка технологлари, токарлар, фрезерчилар, қолипчилар, электросваркачилар, металл конструкцияларини йиғувчи, инструментчи, саноат ускунасини ремонт қилувчи ва йиғувчи слесарлар, электромонтёрлар, цехларга ёрдамчи ишчилар, турли ихтисосга ўргатиш учун шогирдлар, газорезчиклар, охранниклар

КЕРАК

Елгиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Огородная кўчаси, 15-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин (4, 5-троллейбус, 21-автобуснинг «Заводская» остановкаси).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор—26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари—27914, 29323. Масъул секретарь—34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Пропаганда—31226. Саноат, қурилиш ва транспорт—34780. Совет қурилиши—33258. Қишлоқ хўжалиги—27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари—34451. Маҳаллий ахборот—32347. Оммавий ишлар ва хатлар—29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка—27343. Эълонлар—28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06112. Индекс 64543. Нашр. № 5.